

Туркистонда таълим тизими ривожу хусусиятлари

Қодиров Нажмиддин Неъматович
Халқаро Нордик университети
Ёшлар ишлари ва талабаларга
хизмат кўрсатиш департаменти бошлиғи
Тарих фанлари номзоди, доцент
e-mail: n.qodirov@nordicuniversity.org

Ватанимиз ҳудудида таълимнинг вужудга келиши энг аввало ёзма адабиёт билан боғлиқ. Бундан 2700 аввал яратилган “Авесто”да ҳам таълимтарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. “Авесто”да болалар тарбияси ва таълими маълум даражада аниқ тизим ва мақсадга йўналтирилган бўлиб, диний, ахлоқий ва жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатиш уларнинг асосини ташкил этган.

Юртимиз таълим тизимини шакллантиришда суғд маданияти ва суғд ёзувининг таъсири катта бўлган. Бу ёзув асосидаги ёзма ёдгорликлар, тарихий, қисман бадий асарлар юз йиллар давомида Туркистон халқларининг маданияти, саводхонлигини оширишда муҳим ўрин эгаллаган.

Милоднинг 8 асригача бизнинг тушунчамиздаги мактаблар, асосан, санскрит, юнон, ўрхун-енисей, ўрхун-энасой ёзувларига асосланган алифболар асосида фаолият кўрсатиб келган. VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳр араб халифалиги томонидан истило этилгач, ислом динининг кириб келиши, масжидларнинг вужудга келиши билан уларнинг қошида ташкил этилган мактабларда болаларга билим ва савод ўргатила бошланган.

Мамлакатимиз ҳудудида кейинги даврлардаги маданий тараққиёт ва маънавий юксалмиш ислом дини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Маълумки, ислом оламида ҳам таълим ва тарбия тизимига дастлаб катта эътибор билан қаралган. Мусулмончилик қарор топганидан сўнг араб давлатларида таълимнинг икки босқичли тизими юзага келади: мактаб ва мадраса. Мактаб Арабистонда VII-VIII асрларда пайдо бўлган. IX-X асрларга келиб Ўрта Осиё ва Волга бўйи ўлкаларига ҳам тарқалади. Туркистондаги мактабларнинг аксарияти масжидлар, мазорлар ёнидаги биноларда ёки хусусий кишилар ҳовлиларида бўлган. Масжид имоми ёки мадрасани хатм қилган кишилар мактабдорлик қилишган. Мактабларда ўғил болаларни домла ўқитган. Қиз болаларни ўз уйида ўқитган аёлларни отинойи, отинбиби, бибиҳалифа, бибиотин каби номлар билан аташган. Мактабда ўқитишнинг расмий дастури бўлган эмас. Шундай бўлса-да, одатда

ислом дини асослари ўқитилган, ёзув ва арифметикадан сабоқ берилган. Ўқиш жараёни араб ҳарфи ва сўзларини, сўнгра Қуръонни араб тилида ўқиш ва ёдлашдан иборат бўлган. Ўқувчи араб ҳарфларининг номини ҳамда ёзилишини ўрганиш учун кўп вақт меҳнат қилган. Ўқувчилар араб ҳарфларини ўрганиб олгандан кейингина Қуръоннинг айрим сураларини ўқиб тугатган ўқувчилар уни тўлиқ ёд олишга киришган. Ўқувчилар Қуръонни ўқиб бўлганларидан сўнг бошқа диний китобларни ўқишга ўтганлар. Мактабни тугатган баъзи ўқувчилар мадрасада ўқишни давом эттирганлар¹.

Умуман олганда, мактабда касб ёки ҳунар ўргатилмаган, ҳаётда асқотадиган бошқа амалий фаолият учун тайёрлаш мақсади қўйилмаган. Ўқишни битирганлик тўғрисида бирон-бир расмий ҳужжат ҳам берилмаган. Мактаб, асосан, таълимнинг 2-босқичи бўлган мадрасага кириш учун тайёрлаган. Демак, ислом мамлакатларида мактабнинг асосий вазифаси ислом асослари ва бошқа илм ёки фандан бошланғич маълумотлар бериш бўлган. Шарқшунос В.Наливкин мактабда ўқитиладиган фанларни аниқроқ баён этган. Унинг ёзишича, мактабда ўқитиш араб ҳарфларини ёдлашдан бошланган, сўнг “Ҳафтияк”ка ўтилган. Кейинги босқичда форс тилида ёзилган “Чор китоб” ўқитилган. Унда шариат асослари баён қилинган. “Чор китоб”ни хатм этган ўқувчи Хўжа Ҳофиз, Бедил, Фузулий, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг шеърларини ёд олган. Бу шеърлар форс ҳамда туркий тилларда ёзилган².

Мактабда ўқитиладиган илм ва фанлар бўйича методик йўл-йўриқлар бўлмаган. Ҳар бир домла буларни ўзича, тўғрироғи, анъанага кирган тизимда ўқитган.

Сўнги ва олий босқич мадраса ҳисобланган. Мадраса ҳам мактаб сингари VII-VIII асрларда арабларда ўрта ва олий ўқув юрти сифатида пайдо бўлган. Унда уламолар, мактабдорлар, яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида эса давлат амалдорлари ҳам тайёрланган. Мадрасалар учун Ўрта Осиёда XXIII асрларда махсус бинолар қурилган. Мадрасалар, одатда, хонлар, катта мол-мулк эгалари, давлатманд кишилар томонидан қурдирилган. Мадраса қурдирганлар унинг сарф-харажати учун вақф ажратганлар. Мадрасаларда ўқиш одатда октябрь ойида бошланиб, апрелда тугаган. Машғулотлар учун аниқ вақт белгиланмаган. Мадрасада таълим уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) гуруҳларида олиб борилган. Ўрта Осиё мадрасаларида араб ва форс тилларида ёзилган китоблар ўрганилган. Дастлаб форс тилида ёзилган “Аввали илм” китоби ўқитилган, кейин араб тили

¹ ЎзСЭ, 13-жилд, 284-бет.

² Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии. “Туркестанские ведомости”, 8 августа 1889 г.

грамматикаси, шариат ақидалари, мантиқ илми ўргатилган. Шунингдек, тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жўғрофия ва бошқа фанлар ўқитилган. Мадрасанинг ҳар бир босқичида ўқиш ўртача 3-4 йил давом этган. Талабалар дарсни қай даражада ўзлаштирганларига қараб 15-20 йилгача ўқиганлар¹.

Шуниси борки, мадрасаларда ўқитиладиган фанларнинг қатъий рўйхати бўлмаган. Қаерда қайси илм фан соҳаси бўйича мударрис ёхуд йирик олим бўлса, у талабаларга ўз билимини ўргатиши мумкин бўлган. VII-XVI асрларда ислом дунёсидаги мадрасаларда қандай илм ва фанлар ўқитилганини тасаввур этиш учун ўша даврларда илмлар таснифига оид бир мисолни келтириш жоиздир. Буюк мутафаккир Абу Зайд Абдур Раҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун (1332-1406) ўз даври илмларини икки гуруҳга бўлиб тасниф этган. Биринчи гуруҳга у инсон ўз тафаккури воситасида эгаллаб оладиган фалсафий ҳикматли илмлар (ал-улум ал-ҳикмиййа ал-фалсафиййа)ни киритади, уларни ақлий (ал-улум ал-ақлий-йа), яъни рационал илмлар ҳам дейишган. Ибн Халдун биринчи гуруҳга оид илмларни бир неча шохобчаларга ажралувчи тўрт қисмга бўлади:

1. Мантиқ.
2. Табиатшунослик (физика): а) тибб; б) қишлоқ хўжалиги.
3. Илоҳиёт илми-метафизика: а) сеҳр; б) тилсимлар; в) араб алифбоси моҳиятининг сири; г) алкимё.

4. Риёзиёт илмлари:

а) ҳандаса. Унинг қуйидаги шохобчалари бор: чизиклар, жисмлар сатҳини ўлчаш; конуслар, ҳажмли жисмларни ўлчаш; майдонларни ўлчаш;

б) сонлар ҳақидаги илм. Унинг қуйидаги шохобчалари бор: арифметика; ҳисоб санъати; алгебра; тижорат, каср, илдиз ва ҳ.к.; мерос бўлиш;

в) мусиқа. Унинг қуйидаги шохобчалари бор: товушлар, оҳанглар; ашула айтиш санъати;

г) астрономия. Унинг қуйидаги шохобчалари бор: юлдузлар ҳаракати; астрономик жадвал тузиш; астрология (юлдузлар ҳаракатига қараб инсон ҳаёти ва тақдирини айтиш).

Ибн Халдун иккинчи гуруҳга анъанавий илмлар (ал-улум алнақлиййа)ни киритади. Анъанавий илмларнинг негизи, мансаби Қуръон ва сунна бўлган, шариат илмлари ҳисобланган. Шариъий илмларга олим қуйидагиларни киритган:

1. Тафсир илми.
2. Қуръон қироати (ўқиш) илми.
3. Ҳадис илмлари.

¹ ЎзСЭ, 6-жилд, 508-бет.

4. Фикҳ илми.
5. Мерос бўлиш илми.
6. Калом илми.
7. Тасаввуф илми.
8. Туш таъбири илми.

Ибн Халдун анъанавий илмларга тил ҳақидаги илмларни ҳам киритган. Булар қуйидагилар а) лексикография (сўз илми), б) грамматика, в) баён илми, г) одоб илми¹.

Мадрасаларда илмлар, асос эътибори билан, Ибн Халдун тасниф этган илмлар доирасида ўқитилган, дейиш мумкин. Бунда, албатта, у ёки бу даражада фарқ бўлишини ҳам табиий ҳисоблаш керак.

Маълумки, жамиятнинг мадрасаларда тайёрланадиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжи мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавиймаданий жиҳатдан тараққиёт даражасига боғлиқ бўлган. Аксари ҳолларда таълимга эътибор ҳукмдорларнинг илм-фанга, маорифга қарашига боғлиқ бўлган. Жумладан, Бағдод халифаларидан Мансур, Ҳорун ар-Рашид, Маъмунлар даврида мамлакатда илм-фан тараққиётига катта аҳамият берилган. Олимларнинг ёзишларича, ўша даврларда Бағдод шаҳрининг ўзидагина 30 дан зиёдроқ жамоат кутубхоналари бўлган². Бағдод Байтулҳикмаси (академияси)нинг донғи жаҳонга кетган. Байтулҳикмада олимлар грек, лотин ва бошқа тиллардан илмий ва фалсафий асарларни араб тилига таржима қилганлар. Бу ҳақда В.Наливкин шундай ёзади: “... Европанинг кўпгина асарлари дастлаб арабларда, араб тилида пайдо бўлган”³.

Бағдод Байтул-ҳикмасида Туронзаминдан чиққан аждодларимиз: Абу Наср Фаробий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий сингари буюк алломалар илми билан шуғулланишган, мадрасаларда ўша даврнинг нуфузли фанларидан дарс беришган.

Шундай бир қонуният борки, илм-фан тараққиётига жамиятда талабэҳтиёж бўлсагина, у муттасил тараққий этиб боради. Жамиятнинг талаби пасаяр экан, илм-фан равнақи ҳам сусаяди. Ислом оламидаги илм-фан тараққиёти илк ўрта асрларда юксак даражага кўтарилди. Бунга асосий сабаб ижтимоий ҳаётда бунинг учун зарур талаб ва эҳтиёж бўлган. Бора-бора феодал тузумга хос турғунлик илм-фан тараққиётига ҳам тўсиқ бўла бошлаган. Талайгина фан ютуқларига ижтимоий талаб бўлмаганликдан улар

¹ Ибн Халдуннинг илмларни таснифи Р.Баҳодировнинг “XIV-XVI асрлар мусулмон Шарқида илмлар таснифи масаласининг ёритилиши” мақоласидан олинди// “Шарқшунослик тўплами”, 1995 йил, 6-сон, 1517-б.

² Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии. “Туркестанские ведомости”, 8 августа 1889 г.

³ Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии. “Туркестанские ведомости”, 8 августа 1889 г.

амалиётга тадбиқ қилинмай қолиб кетаверган. Кўпгина фанлар ҳаётдан узилиб, мушоҳадавий хусусият касб этиб борган, натижада, ижтимоий воқеликдан узилган китобийлик илдиз ота бошлаган. Бағдодда ҳам шундай вазият юзага келгач, илм-фан маркази Ҳуросонга кўчган. Хусусан, Маҳмуд Ғазнавий, Масъуд сингари илм-фан ҳомийларининг чиқиши бу жараёнга қувват берган. Кейинчалик, Ҳуросонда ҳам илм-фан тараққиёти учун шароит йўқолгач, у янада шимолга силжиб, Туронзаминга келади. Хоразм, Бухоро, Самарқанд ислом оламининг илм-фан тараққиёт этган ўлкаларига айланди. Биргина далил: Хоразмда Маъмун академиясининг пайдо бўлиши бежиз эмасди. Соҳибқирон Темур даври, Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган йиллар Самарқанд илм-фан тараққий этган шаҳар сифатида жаҳонга ном таратди. Шоҳ Улуғбекнинг ўзи ҳам олим сифатида мадрасаларда илми ҳайъат (астрономия) ва бошқа фанлардан маъруза ўқигани тарих китобларида битилган. Лекин таассуфки, XVI асрдан бошлаб бу ерда ҳам илм-фан, маданият таназулга учради, таълим тизимига путур етди. Мадрасаларда дунёвий илмлардан кўра, диний илмларга, хусусан шариат ақидаларига кенг ўрин берила борди. Ислом асосларини, шариатни, фикҳни билишнинг ўзи етарли, деган чекланган қараш мадрасаларда ҳам ўрин ола бошлайди. Схоластика, китобийлик, мутассиблик кучаяди, таълим тизимида турғунлик, айтиш мумкинки, сукутлик (регресс) тамойили етакчилик қилади. Бу ҳол то XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача ҳукм суради¹.

Кишилиқ тарихи тажрибасидан маълум бўлдики, таълим тизимининг савияси жамиятнинг тараққиёт даражасига ҳамиша вобастадир. XIX аср охирига келиб Туркистоннинг кичик-кичик хонлиқлардан ташкил топганлиги, улар орасида муттасил низо, урушларнинг бўлиб туриши, умумтараққиёт жиҳатидан Европа давлатларидаги даражадан ниҳоятда тубанлашуви, ишлаб чиқаришнинг феодал тузумга хос ибтидоий ҳолда қолиши, ҳарбий-мудофаа қудратининг емирилиши – буларнинг барчаси жамиятни, давлатни зимдан емирди, заифлаштирди. Заиф давлатларнинг эса қудратли давлатларга колония бўлиб қолиши XVI-XIX аср ижтимоий ҳаётга хос ҳолда, ҳодисагина эмас, қонуниятга айланди. Шу тариқа, Волгабўйи қавмлари, Кавказ, Сибир, Туркистонда яшайдиган халқ ва элатлар қудратли салтанатга айланган Россиянинг чангалига тушиб қолди.

XIX аср охирларига келиб Туркистонда таълим соҳасида қатор ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу ўзгаришларга, юқорида таъкидланганидек, жамият ва унда истиқомат қилувчи аҳоли

¹ Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 9.

орасида илмфанга ва таълимга ўз турмуш даражасини яхшилаш ва ҳаётни эркинлаштиришда асосий восита сифатида қаралиши асосий сабаб бўлди. XVI аср ўрталаридан бошланган ўлкадаги ўзаро талончилик юришлари, тинимсиз вайронагарчиликлар ва ҳукмрон синф томонидан илм-фан ва таълим соҳаларини эътиборсиз қолдирилиши натижасида ҳаётнинг мазкур жабҳаларида ўзига хос биқиклик, жаҳон тажрибасидан орқада қолиш ҳолати яққол кўзга ташланади. Бунинг устига XIX аср ўрталаридан ўлкани Россия империяси томонидан забт этилиши ва бу ҳудудда империя ҳукмронлиги ўрнатилиши натижасида биринчидан янги бошқарув тизими жорий этилди. Иккинчидан, мазкур бошқарув аппарати моҳиятан маҳаллий халқлар маданияти ва маънавиятини менсимасдан, уларнинг маданий қолоқлигига урғу бера бошладилар ва ўлкада ўзларининг таълим тизимини сингдириш орқали маҳаллий халқларни ўзига тўлалигича – ғоявий жиҳатдан қарам этишни режалаштирдилар. Устига-устак “руслаштириш” сиёсатини олиб борилиши натижасида бевосита маҳаллий аҳоли янги маданият билан туқнашди. Натижада ўзига равишда миллий зиёлилар орасида маънавий юксалиш зарурлигини англаш ҳолатини келтириб чиқарди. Ана шундай бир вазиятда “жадидчилик” ҳаракати вужудга келди ва ўлкадаги таълим тараққиётига катта туртки бўлиб хизмат қилди.

Туркистонда XIX аср иккинчи ярмидан таълим соҳасини ислоҳ этилиши ва катор ўзгаришларга дучор бўлиши ижтимоий эҳтиёжнинг натижаси эди. Ўлкада X-XIII асрларда юзага келган мактаб ва мадрасалар тизими фаолиятига мазмунан жузъий ўзгаришлар киритилган бўлса-да, умуман олганда, таълим анъанавий усулда давом этаётган эди. Бу тизим XIX аср охири, XX аср бошларига келиб жамият талабларига жавоб бериш у ёқда турсин, умуман тараққиёт даражасида бир неча асрлик масофада орқада қолиб кетгани аён бўлиб қолди. Мавжуд маориф тизими ҳатто саводхон қилишдек оддий талабга ҳам жавоб бераолмаётганди¹.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон ўлкасида таълим тизимининг такомиллашуви содир бўлди. Бунга бир томондан метрополияни маҳаллий халқлар онгини забт этиш мақсадида амалга оширган таълим соҳасидаги тадбирлари сабаб бўлса, иккинчи томондан ўлка халқларининг ўзликни англаш, ҳурриятга интилиш мақсадида амалга оширган маърифатпарварлик ишлари сабаб бўлди.

Таълим ислоҳоти ва маънавият соҳасидаги муаммолар фақатгина бугуннинг муаммоси эмас, балки барча даврларда ҳам

¹ Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 14.

муҳим аҳамият касб этиб келган. Шу сабабдан ҳам Ватанимиз худудида асрлар давомида таълим ва маданият соҳасидаги эришилган ютуқларни, тажрибаларни, маънавиймаърифий кадриятларни эътироф этиш ва улардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан, мазкур монография XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида рус таълим муассасаларини сингдирилиши тарихига бағишланган.